



# ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ  
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 25 (9771). • 1990 йил 3 февраль • Баҳоси 5 тийин.

## МАКТАБГА ЁРДАМ БЕРАЙЛИК

Халқ депутатлари Советлари ижроия комитетлари ва касаба уюшма ходимларига, оталиқ ёрдами кўрсатаётган корхоналар, колхозлар, совхозлар раҳбарларига, ота-оналар жамоатчилигига, Тошкент вилоятининг барча меҳнаткашларига

### МУРОЖААТНОМА

Азиз ўртоқлар! Тошкент вилояти халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшма комитети сизлардан 20-40-50-йилларда хом гиншдан қурилиб, сомон сувоқдан чиқарилган ва эндиликда нураб, тўқилай деб турган, бу билан 44 мингдан ортқ вилоятимиз ўқувчилари ҳаётига хавф солаётган эски бинолар ўрнида халқ таълими учун янги объектлар қурилишини тезлаштириш йўлида амалий-моддий ёрдам кўрсатишингизни сўрайди.

Айниқса, Оққўрғон (12 та бино), Тошкент (10 та бино), Пискент (12 та бино), Бекобод (7 та бино), Урта Чирчиқ (6 та бино), Бўстонлиқ (7 та бино), Оржоникидзе (7 та бино), Паркент (7 та бино), Оҳангарон (10 та бино) каби ноҳияларда аҳвол ниҳоятда мураккаб бўлиб турибди.

Нураётган иморатларни қайта тиклаш, нормал ўқув шароитини яратиш учун 60 миллион 209 минг сўм маблағ талаб этилмоқда. Юқорида тилга олинган жойлардан ташқари кўпгина қишлоқ мактабларида ошхоналар, спорт ва мажлислар заллари йўқ. Бироқ халқ депутатлари шаҳар ва вилоят Советлари ижроия комитетлари аҳвол шундай оғир бўлишига қарамай халқ таълими бинолари қурилиши учун 1990 йилда кўпроқ маблағ ажратилши учун 1990 йилда кўпроқ маблағ ажратилши учун 10 миллион сўм нам маблағ ажратганиликлари ота-оналар ва ўқитувчи-

лар жамоатчилигини ниҳоятда афсуслантирмоқда.

Биз сизларни маъмур муурожаатномага жавобан шанбаликлар, якшанбаликлар уюштиришга, бир кунлик иш ҳақини, қидириб топишган қўшимча маблағларни Тошкент шаҳар Фрунзе ноҳиясидаги турар-жой — ижтимоий банкнинг 000695516 — «Авария ҳолидаги мактаб» счётига ўтказишга даъват этамиз.

Тошкент вилоят касаба уюшмалар кенгаши бу фондга ҳозироқ 500 минг сўм ўтказди.

Мурожаатнома Тошкент вилоят халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшма комитети ҳамда вилоят халқ таълими бошқармаси коллегиясининг 1990 йил 25 январда бўлган қўшма президиуми мажлисида қабул қилинган.

### ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

Тошкент вилоят партия комитетида шаҳар ва район партия комитетлари иккинчи котиблари, ташкилий ва кадрлар иши бўлимлари мудирла-

ри йиғилиши бўлди. Йиғилиш қатнашчилари 1989 йил якунларини муҳокама қилдилар. Йиғилишда Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ва маҳаллий

Советлар депутатларига бўладиган сайловларга тайёргарликнинг борishi, партия, касаба уюшма ва комсомол

ташкilotларида бўлиб ўтган ҳисобот ва сайловлар якуни ва партияда бўладиган ҳисобот-сайлов кампаниясини ташкил этиш борасидаги вазифалар бўйича ахборотлар тингланди. Кадрлар ишининг аҳ-

воли ва вилоят партия ташкilotи таркиби таҳлил этилди. Йиғилишда Тошкент вилоят партия комитетининг биринчи котиби С. М. Мамарасулов сўзга чиқди.

## ХАЛҚ ХАҚИҚАТНИ БИЛМОҒИ ЗАРУР

СССР прокуратурасининг Т. Гдлян бошлиқ тергов группаси фаолияти билан боғлиқ материалларни текшириш юзасидан СССР халқ депутатлари съезди комиссияси аъзолари «Қишлоқ ҳақиқати» муҳбири саволларига жавоб беради.

СССР халқ депутатлари — комиссия ҳамраиси Вениамин Александрович ЯРИН, комиссиянинг яна бир ҳамраиси Николай Алексеевич СТРУКОВ, комиссия аъзолари Валерий Григорьевич АЛЕКСАНДРИН ва Владимир Тўйчиевич ОДИЛОВ Ўзбекистонда олиб борилган ишларни якунладилар.

Комиссиянинг расмий экспертлари — Тошкент область прокуратурасининг бош терговчиси Аҳрор Худоберович РАҲМОНҚУЛОВ, Ўзбекистон ССР Олий суди бўлимининг бошлиғи Михаил Яковлевич АВРУКИН уларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатдилар.

«пахта иши» даврида республикада йўл қўйилган қонунбузарлик ҳаммани жиддий ташвишлантирди, бу масалада лоқайд кузатувчи йўқ эди. Айтинг-чи, комиссия ўз ишнини қачон якунлайди-ю, унинг натижалари ҳақида СССР Олий Советига қачон ҳисоб беради!

Ярин: Халқ депутатлари иккинчи съезди қарориде таъкидланганидек, комиссия СССР Олий Советининг яқин орада қақирлабдиган сессиясида бу хусусда Олий Советга узил-кесил натижани тақдим этиши керак. Бу воқеа унинг сессияда рўй беради, деб ўйлейман.

Струков: Далилларни тўплаш, текшириш, таҳлил қилиш жараёни жадал бормоқда. Вениамин Александровичнинг фикрига қўшилиб, учинчи сессияга якунловчи ҳужжат тайёрланади, унда Гдлян гуруҳи фаолиятига, ҳали сиз айтганингиздек «пахта иши» даврига сиёсий баҳо берилди, дейиш мумкин.

— Сизларнинг Ўзбекистонга келишларингиздан маъсад нима! Гдлян гуруҳи терговчилари қўлдан ўтган ў ёки бу жинсий ишларни ўрганишни ёки аллақандай етишмовчилик, англашловчиликларини аниқлашми! (Давоми 3-бетда).

— Комиссиянинг ҳурматли аъзолари ва муҳтарам экспертлари! Бутун Ўзбекистон халқлари сизнинг

комиссиянгиз чиқарадиган узил-кесил якунларини орзиқиб кутмоқда, десам хато қилмаган бўла-

ман. Гдлян гуруҳи терговчилари ва ҳуқуқ-тартиботини муҳофазат этишчи маҳаллий органлар



В. ЯРИН

Н. СТРУКОВ

В. АЛЕКСАНДРИН

В. ОДИЛОВ

А. РАҲМОНҚУЛОВ

М. АВРУКИН



18 ФЕВРАЛЬ-  
ЎЗБЕКИСТОН ССР  
ХАЛҚ ДЕПУТАТЛИГИ ВА  
МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРИ  
ДЕПУТАТЛИГИГА  
САЙЛОВЛАР  
КУНИ

### САЙЛОВЛАР ОЛДИДАН

ЎЗБЕКИСТОН ССР халқ депутатлари ва маҳаллий Советлар депутатлари сайловга тайёргарлик кўриш даврида, вилоят шаҳарлари ва ноҳияларида бўлиб ўтган меҳнат коллективлари йиғилишларида, меҳнаткаш-

ларнинг турар-жойлардаги йиғинларида, халқ депутатлигига номзодлар билан учрашувларда партия, совет, ҳўжалик органларига қўлаб турли хил илтимослар, буюртмалар, нақазлар тушмоқда.

Ана шу муаммоларнинг аксарият кўпини бевосита жойларнинг ўзида ҳал этиш мақсадида яқинда Оҳангарон ноҳияси ҳамда Ангрэн шаҳрида вилоятнинг ҳамма хизматлари раҳбарларининг партия ва совет фаоллари билан учрашуви ўтказилди. Учрашув чоғида музофотларнинг етилган эҳтиёжларини қондиришга қаратилган аниқ чоралар белгилаб олинди.

Учрашувларда: Оҳангарон ноҳиясида — Тошкент вилоят партия комитетининг биринчи секретари С. М. Марасулов, Ангрэн шаҳрида — вилоят партия комитетининг иккинчи секретари В. Г. Гришчук иштирок этдилар ва нутқ сўзладилар.

Бундай амалий тадбирларни вилоят партия ва совет органлари ишида бундан буён давом эттириш режалаштирилди.

МАҲАЛЛАДА УЧРАШУВ

КУНИ КЕЧА Тошкент шаҳар Киров районидеги Тельман номи маҳалла клубида депутатликка номзод билан учрашув бўлиб ўтди. Тошкент шаҳар Совети депутатлигига номзоди кўрсатилган алоқа институтининг ректори, профессор Жўра Абдуллаев билан учрашувга келган маҳалла аҳли номзоднинг ишончли вакили шу институт ходими А. Абдунабиевдан у ҳақда билдирилган маълумот билан танишди. Йиғилишни бошқариб борган маҳалла комитетининг раиси М. Турдиқўев ва сўзга чиққан уртоклардан А. Содиқов, Ш. Шомансуров, С. Иброҳимов, Ш. Расулова ва бошқа кўлаб маҳаллалардошлар 61-шаҳар сайлов округидан рўйхатга олинган Ж. Абдуллаевнинг номзодини маъқуллаш билан бирга унга шаҳар транспортдаги қоникерсиз аҳоли, халқ ҳўжалиги ютуқлари кўргазмасига кираверишдаги автотўловлар бекатига ўрнатилган соябонларнинг ночорлиги, шунингдек, бир қатор долзарб масалалар ҳусусида нақазлар беришди. Учрашув сўғида депутатликка номзод Ж. Абдуллаев сўзга чиқиб, агар уни депутат қилиб сайласа, халқ ишончини оқлашга ҳаракат қиламан, деб маҳалла аҳлини ишонтирди.

М. МИРАЛИЕВ,

● Суратда: депутатликка номзод Ж. Абдуллаев (ўртада) маҳалла фаоллари билан

суҳбатда. Р. ШОЖАЛИЛОВ ва Д. АҲМЕДОВ сурати.



### Маслаҳатлашиб олишди

КАЛИНИН ноҳиясининг Хонобод қишлоғи ҳаудаида кейинги йилларда ижтимоий масалаларга эътибор биров жонланди. Чунончи телефон тармоқлари кенгайди, анчагина кўчалар асфальтланди, қатор маҳаллаларга табиий газ келтирила бошлади. Аммо қилинадиган зарур ишлар ҳали кўп. Шу жумладан, газ ва сувнинг чаласи

бор. Ўзбекистон ССР халқ депутатлиги ва маҳаллий Советлар депутатлигига Хонобод қишлоғидан номзод қилиб кўрсатилганлар билан яқинда бўлиб ўтган учрашувда ана шу зарур ишлар ҳақида ҳам гапирилди.

Сайловчилар 60-сайлов мавзусидаги ноҳия Советига номзод А. Абдувалиев директорлик қилаётган «Қорасув» совхозни маъмуриятига минтадорчилик билдирдилар.

Учрашувда 67-сайлов мавзусидан ноҳия Советига номзоди рўйхатга олинган автомобилларга техник хизмат кўрсатувчи «Хонобод» станцияси бошлиғи С. Аъзамов, Хонобод қишлоқ Совети депутатлигига номзодлар — Хонобод маҳалла комитетининг раиси Ф. Муҳиддинов, «Қорасув» совхозининг бош инженери С. Муҳиддинов ўзларининг ҳаракат дастурларини баён этдилар. Сайловчилар уларга қишлоқнинг газлаштиришни давом эттириш, ичимлик сув қувурлари тармоғининг чаласини ноҳиясига етказиш ва қишлоқда ҳеч бўлмаса битта ёзлик кинотеатр қуриш юзасидан нақазлар бердилар.

Е. МОРДУХАЕВ.

нинг иш жараёнини яхши билар эди.

«Тез ёрдам» станциясининг катта врач В. Литвинова ҳам телефон кўнгиноқларига бефарқ қараб, ёрдам бериш учун тегишли чоралар кўрмаган. Шуни таъкидлаш билан учрашувларда айрим пайтларда «03» хизмати ходимларида меҳр-шафқатнинг йўқлиги, уларнинг элтиборсизлиги, телефон алоқасининг ёмонлиги, буюртмалар бўйича ўз вақтида хизмат кўрсатилмаслиги тўғрисида ҳақли эътирозлар билдирилмоқда.

Текшириш натижалари асосида ҳамда шахар «Тез медицина ёрдами» ишида бундан буён бундай воқеаларнинг олдини олиш мақсадида буйруқ чиқарилди. Беморга қўллик ва эътиборсизлик қилгани учун Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бosh бошқармаси навбатчи врач М. Юсупов ва зифасидан четлаштирилди.

Шаҳар «Тез медицина ёрдами» станциясининг 1990 йил 26 январдаги 22-сон буйруғи бўйича «Тез ёрдам» станцияси катта врач В. Литвинованинг ишдан бўшатилигани маълумот учун қабул қилинди. Бош бошқарма бошлиғининг ўринбосари Ш. Алиева шаҳар телефон станциялари бош бошқармасига хат йўллаб, «03» марказий диспетчерлик қароргоҳи ва подстанцияларида телефон алоқаларини текшириш, соझлаш ҳамда бош бошқарма бўйича масъул навбатчиларни тайинлашни шахсан назоратга олиш вазифаси топширилди. Бош бошқарма кадрлар бўлими бошлиғи С. Аҳмаджонова, шаҳар «Тез медицина ёрдами» станцияси бош врач И. Уринбоева «03» диспетчерлик хизматини ўрта медицина ходимлари билан таъминлаш вазифаси юклатилди. Ноҳия соғлиқни сақлаш бўлимлари

бошлиқларига 1990 йилнинг 27 январидан грипп эпидемияси даврида «03» диспетчерлик хизматига ёрдам учун биттадан ўрта медицина ходими ажратиб ҳамда ушбу мақолани тарсда медицина ходимлари ўртасида муҳокама қилиш таъкидланди. Шаҳар «Тез медицина ёрдами» станцияси бош врач И. Уринбоева «03» хизмати фаолиятида назоратнинг бўшатиб кетганлиги кўрсатиб ўтилди. Бош врачга «Тез ёрдам» ходимлари ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни йўлга қўйиш ҳамда ушбу буйруқни шаҳар «Тез медицина ёрдами» станцияси коллективни ўртасида кўриб чиқиш ва бундан буён станциянинг ишини яхшилаш борисида аниқ тадбирлар белгилаш топширилди. Ушбу буйруқнинг bajarиллигини назорат қилиш бош бошқарма даволаш бўлими бошлиғи Т. Зиявсакага юклатилди, дейилди жавоб сўғида.

В. РОДИН,  
Тошкент вилоят касаба уюшмалар кенгаши давлат ижтимоий сўғурта бўлими mudiri.

### СОЦИАЛ МАСАЛАЛАР ЎЗГАРТИРИШ ПОЧТАСИГА

РАСМИЙ  
ЖАВОБЛАР

### «Оғир бемор, соқов «03» ва масъулиятсиз навбатчилар»

24 январь 1990 йил

Шу сарлавҳа остида эълон қилинган мақола Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бosh бошқармасида кўриб чиқилди, дейилди Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министри ўринбосари, бosh бошқарма бошлиғи Қ. Т. Ризаевдан келган жавобда. Текширишда мақолада келтирилган фактлар тасдиқланди. Бош бошқарма бўйича

ча масъул навбатчи врач М. Юсупов ўзининг бевосита вазифасини бажармаган, беморнинг қайта-қайта телефон кўнгиноқларига эътибор бермай, унга буюртма қабул қилишда кўмаклашмаган. Шахалани, навбатчи врач шахар «Тез медицина ёрдами» станциясида кўп йиллар ишлаб, «Тез ёрдам»

# ХАЛҚ ҲАҚИКАТНИ БИЛМОҒИ ЗАРУР

(Боши 1-бетда).

**Яри:** Комиссия аъзолари бarchа жиний ишларни ўларича тахлил этишга қодир эмас. Аслида уларнинг олдига бундай вазифа қўйилгани ҳам йўқ. Мураккаб бу ишни бажариш комиссиянингта жалб этилган экспертлар зиммасига юклаган бўлиб, улар ҳар бир жиний иш бўйича баъда ўз хулосаларини тақдим этадилар. Табиийки, комиссия аъзолари ҳам бу тадбирдан бош тормайдилар ва ғоят жанжалли баъзи материалларни бевосита ўргандилар.

Республика халқини, унинг турмуш тарзи ва шароитларини, анъаналари ва урф-одатларини ўрганш, шунингдек, жабр-дийдалар фикрини ўрганиш — таърифимиздан қузатилган мақсад асосан ана шулар. Жиний ишлар нақадар кўпчилиги бўлмасин, халқнинг табияти ва қалбини очиб кўрсатолмайди. Бу жиндалар жиниятнинг содир этганларнинг хирва томонларининга ўзиде акс эттирган. Жиниятчиларнинг қилмишларига қараб халқ ҳақида ҳукм чиқариш бемаъниликнинг ўзинасидир. Гдлян худди ана шундай йўл тутганди. Ҳа, комиссия аъзолари Гдлян гуруҳи томонидан Ўзбекистоннинг бутун халқига ҳақоратомуз айблар қўйилгани, ёрқилар таққинида, бу ерда ҳамма ўғри, порахўр, талон-тороҷ этувчи қабилдаги сўзларни ишлатганлигини эсдан чиқарганлари йўқ. Биз «Ўзбекистон — тергов усуллари таърибаси ўтказилган майдон», «тергов гуруҳининг шарқий фронти» каби сўз бирикмаларини ҳам хотирдан кетказган эмасмиз. Бошқа шаклу-шамойилдаги шармадаларча жижанчиликлар ҳам ёқимизда турибди. Худди шунинг учун халқ билан танчишига қарор қилгандик.

Биз Тошкентда, Қорақалпоғистонда, Хоразм обласида ишладик. Колхозларда, хароб қишлоқларда бўлдик, оддий меҳнаткешларнинг хонадонларига бош суқдик, уларнинг турмуши, ҳаёт тарзи ва даражасини ўргандик. Виждонан айтадиган бўлсак, кўрганларимиз томдига қонимизни музлатиб юбордик. Кишлоқликларнинг ўткетган қашшоқлигидан кўларимиз олди қоронғиллашди, лолу-ҳайрон бўлиб қолдик. Пахта яққоқонилмиги деб номланган дахшатли дард ҳамма нарсаини — одамларнинг соғлиғи ва ҳаётини, болаларнинг бахти ва қувончини ембириб ташлади. Энг баланд нуқтага кўтарилган гўдаклар ўлимчи!

Буларнинг барига гадоларча иш ҳақи боис. Биз қонунбузарлиқ оқибатида азият чеккан оилаларда бўлдик. Ҳар бирида 7—8, айримларида 10—13 нафар бола бор. Бу хонадонлар ой давмида ишлаб олинмадими 100—150 сўм, кўп деғанда 200 сўм ҳисобига яшайдилар. Деҳқон бундай ахволда қандай кун кўриши мумкин. Мебель ҳақида дейсиз — олти болақай битта ёғоч яратди, юпка тўшакда ётади... Бу хусусда, яъни кўрганларимиз ҳақида бировларга, масалан, москвалликларга сўзлаб берадиган бўлсак, бизга ишонмасликларни эҳтимолдан узоқ эмас. Узини олий табақдаги зоти деб ҳисобловчи Тельман Хоренович эса ўзбекиларнинг баднорликларини, жиният оламига гурас-гурас қиршиб кетганликларини тўғрисида бутун мамлакатга, жумлан яқсонга жар солиб юрди. Уятсизликнинг ўзгиниси бу!

**Александрин:** Гдлян ва унинг шериклари қишлоқ аҳолисидини, пехтакорларнинг турмуш даражасини кўрганларидан, одамлар узунни узиб, келгани қўзиб яшайётганликларини билардилар-ку, ахир! Кеңирасизу, деҳқоннинг уйда кўрпа-тўшакдан бошқа ҳеч вақе йўқ. Камбағаллик кишиларнинг гирибондан маҳкам тутган. Ана шундай сабр-қаноатли, чиндамлик халқ шевинга кўғрини, «талончи», «порахўр» сингари ҳақоратомуз сўзларни ишлатиш, меининг фикримча, маънавий қашшоқлик, сурбетликдан бошқа нарса эмас.

Мен сизнинг ўлкангизда биринчи бор бўлишим, лекин ўзбекистонликларнинг шу қадар севиб қолдикми, асти кўяверинг! Бирор киши қаҳру-ғазабини тўкиб сочмади, ноҳуя сўз айтмади, оғир, вазинлик билан муомала қилди. Одамлар ўз қайғу-ғамларини, этилган муаммоларини дастурхон устида мардларча нҳзор этдилар. Ана шундай танти халқини бир тўда, айтайлик, юзта, борингки, мингта олий мартабали ўғри қаззоб қасрига ҳақоратлаш мумкинми? Гдлян эса меҳнаткаш оилаларни аёвсизларча қатағон қилди. Терисини шилиш, даражасига етди...

— Сиз, Николай Александрович, таърибали юристсиз, кўп воқеа-ҳодисалар гувоҳи бўлгансиз. Бугунги кунда, яъни, Гдлян гуруҳи фаолиятини текшириш жараёнида шундай маъзарога дуч келдигитизи, одамнинг тепа соми тик туриб кетиши мумкин. Комиссиянинг бarchа аъзолари бу хусусда ўз фикрларини билдирганда бехад миннатдор бўлардими.

**Струков:** Ҳа, кўп йиллик тергов таърибасига эгаман. Шубҳасизки, ғоят дахшатли жиниятларга, қонунбузарликларга дуч келганми. Бироқ мазкур комиссияда ишларканман, Гдлян гуруҳи йўл қўйган сунистемолликлар, ўзбошимчаликлар миқёси ва ҳажми менни лол қолдирди. Буларни ўйласам чиндан ҳам тепа сочим тик бўлардим.

**Яри:** Рўй берган ғайриинсонийликдан ҳақикатан ҳам юрак-бағринг эзилди. Терговчилар жабру-зулми оқибатида кўзлари кўр бўлиб қолган одамнинг сўзларини тингларкансан, уни нақадар қийнаганлигини хусусида ҳикоя қилишдек жасоратини қандай қилиб кўлдан бой бермаганлигига ҳайрон қолсан. Отасини қонунга хилоф равишда ҳисба олишга, онани эса қайғула-доғида ҳаётдан қўз юмгақ, ўн яшар бола укалари ва сингилларининг ягона боқувачиси сифатида қолганигини билганимда дод деб юборишимизга оз қолди.

**Одиль:** «Омлавий террор» ва «кичик геноцид» — бу ибораларни Гдлян иккинчи сўзд минбарига туриб депутатлар олдида бутун мамлакат кўзи ўнгига уялмай-нетмай ишлатди. Афсуски, унинг бундай бақолаши ҳақиқатга мос тўшмади. У қўллаган иборалар мазмунидан чиқадиган хулоса битта: Гдлян унинг гурусси ва республикадаги прокуратура органлари «пахта иши» ва бошқа жиний ишлар терови лойтада қанақа қонунбузарликларга йўл қўйишганини аниқ ҳис этган. Терговчиларнинг фаолиятига террор, геноцид сингари сўзлар батамом мос эканлиги эндиликда мулқо равшан. Бу ҳол кишининг бутун вужудини ларзага келтиради.

**Александрин:** Илгари мен Ўзбекистонни табиятининг дилбар гўшаси, деярли жаннат деб тасаввур қилардим. Ҳаммасини россиялик «гофил» банди кўзи билан кўрдим. Дахшатнинг ўзинаси қонунбузарлик миқёслари ақлини лол қолдириши нари турсин! Ярим тунда ота ва онани ҳисба олиш, гўдакларни чиркириб қилиш холлари (ҳа, айрим ҳодисалар эмас, бутун-бутун ҳодисалар) ақлу-ҳўшимга сиймайдди. Кўпинча прокурорнинг розилигисиз, гарданга ҳеч қандай айл қўйилмаган гуноҳсиз кишиларни қамқоналарда ҳафтала, ойлар давомида сақлаш беододликнинг ўзгинасидир.

Кўп йиллик юрист, халқ судьяси сифатида мен у ёки бу дедилдик, бирор-бир ҳодисага баҳо беринида холис бўлмоғим шарт. Ишонинг, ана шу нуқта наъзарга ҳаммаша риоз этман, ва қадимий Рим ҳуқуқшуносларининг «дунё кунфажун бунисун, адлия яшарсин» деган ҳикматиини ёқимда тутман. Бошқача айтганда, бу шпор қонунини ҳамма нарсадан устун ва мўътебар қўяди.

**Афсуски,** Гдлян гуруҳи (ва нафақат у) «Мақсадага эришиш йўлида жамини воситалар ярайверди» қабилдаги ярамас ақи-

дани қурол қилиб олди. Аслида эса ҳаммаси эмас, қонунга тўғри келадигани ярайди. Ўзбекистонда биз тўғридан-тўғри ўзбошимчаликка, зўравонликка йўл қўйилганлигини кўрдик.

— Сталина ғайриинсоний тузум пайтидаги дахшатли қатағонга тенг келадиган қонунбузарликни назарда тутаясиз, чаманда!

**Яри:** Шундай. Устига жанговар десант ташланган, хароба уйларнинг тоилари тепасида ракета қурилмалари ўрнатилган вертолётлар парвоз этган ана шу ҳайбаракатлиқ вазиетда Гдляннинг тергов гуруҳи дея номланган дахшат ёғирлиб кирган қорақалпоқ кишлоғини тақдор ва тақдор слайман. Мазкур қишлоқ болалари, авблар, қари-қаранг, бутун аҳолиси қанақа жаҳаннам азобини ҳис этганиларини ҳеч қандай тавсифсиз, безағу-бўёқсиз тасаввур қилиш мумкин.

Айрим яшрин миллионерлар, пахтафурӯшлик қорчалолари меҳнаткаш халқ ҳисобидан тўплага, аниқроғи — ўғрилган пулларни, тилларини оддий кишиларнинг уйларига сақлаганликлари маълум. Бироқ ақлга сиймайдиган даражада боқинчилик, кўрктиш, дағдаға усулларини қўллаганча аҳолини қинаш ваҳ-шайликдан, жоҳилликдан (менинг шахсий фикрим бу) бошқа нарса эмас.

**Эксперт А. Раҳмоқуловнинг ахбороти:** Ғайриқонуний ҳисба олишлардан қутулиш, қариндошларини қийноқлардан қутқариб қолиш ниятини кўзлаган Қорақалпоғистондаги «Қирқизиз» колхозининг ёши анча-мунчага етган, икки марта инфарктига йўлиққан раиси Алимов ушунда Гдлян ва унинг терговчилари дағдағаси тўғрйли хўжалик хонадонларини бирма-бир кезганича қолхозчиларнинг шахсий жамғармаларидан 422 минг сўминини йиғиб берган. Бу одам жиният содир этмаган эди. Хоразм обласидан Бекенов ҳам жиниятга қўл урмаганди. Лекин уни катта миқдордаги пулни тўпала топишрига мажбур этишти. Бундай «қўпона» тўллаш чоғида Бекенов ҳар бир қишга натарису тасдиқидан ўтқажан тилхат берди. Гдлян бунақа ўзбошимчалиқларни озмуна содир этгани йўқ.

**Яри:** Ўзбекистонда бўлганимизда 150 дан ортқ одам, асосан Гдлян қамқоналари азобини чекканлар билан суҳбатлашдик, шулардан 80 дан эиндининг сўзларини магнит лентасига ёзиб олдик. Менинг ўзимдагина маъжуд бўлган ёзувларни икки кеча-кундуз давомида эшитиш мумкин. Николай Алексеевичда ҳам айбис айдорларнинг аччиқ дарду хасратлари баён этилган кас-сеталар анча бор. Инсон изтироғи, деҳқон қалбининг фарёдини биз мосқавлик ва ленинградлик сайловчиларга, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси эътиборига етказамиз. Ҳақиқатини ҳамма билиши керак!

Комиссиямиз тузилгунга қадар Гдлян ва Иванов тўқиб чиқарган «пахта иши» ҳақидаги мақолаларни ўқиганимда бу терговчиларни сал бўлмас қаҳрамонлар, «халқнинг жазоловчи қилчиси», ҳақиқатини барқарор этиш, қонунчиликни мустаҳкамлаш учун қуршувчилар деб ҳисоблардим. Лекин эндиликда, кўп нарсаини кўларим билан кўриб, қулқорлик билан эшитиб, бу шахслар кўпдан-кўп ноҳуя қилмишларга йўл қўйганликларига қаноат ҳосил этдим. Шундай хулосага келдикми, таъбир жоиз топилса, кўрқитиб олиш ёки ўзини қуратиш мақсадида ишлатилган уйдирмаларнинг, ёлғон-ишқининг адоғи кўзга ташланмайди. Одамларнинг ор-номуси, ҳақ-ҳуқуқи посбонлигига турган қонунларимизнинг оддий қондилари ҳам обқести қилинганлиги аниқ. Гдлян ва унинг шериклари Ўзбекистонда йўл қўйилган бебошлиқларни қанақа миллионлар ниқоби остида кўрсатмоқчи бўлганликларини мамлакатга очик-ойдин айтмасиз. Ушбу гуруҳ томонидан давлатга расмий равишда 20 мил-

лион сўм пул ва қимматбаҳо буюмлар топишрилган. Гдлян эса 140 миллион сўм хусусида жар солганлигини ҳамма билди. Ана шу 20 миллиондан қанчасини жиниятчилар ўғирлаб олганликларини ва сўнгра улардан тортиб олинганлигини, қанчаси эса тергов гуруҳининг безбетларча таҳдиди остида қишлоқма-қишлоқ йиғилганлигини исботлаймиз. Бу пуллар гўё порахўрлар ва ҳазина-талаларга тегишли деб ҳисобланган, аслида эса меҳнаткаш халқнинг улуши бўлган. Одамларнинг ана шу топган-тутганларни қонунга хилоф тарзда тортиб олинган экан, уни эгаларига қайтарш шарт.

— Ўзбекистон халқига қайтарш керак демократисиз-да, шундай эмасми, Вениамин Александрович!

**Яри:** Пок-халол ҳар бир меҳнаткаш ўз улушини қайтиб олмоғи зарур. Бунда мен оддий қабиланувчиларини, минг бир баҳона билан сўроққа қақирланганлар ва ҳисба маҳкум этилганларини, ярамас ишловчи ўтқажиланларни, пул топиб беришга мажбур қилинганларини назарда тутмоқдаман. Қарангки, кишилар машаққатли меҳнат завоғига топган нарсаларини сотиб бўлса ҳам пул топиб берганлар, чунки кўнгилсизликдан, жабрланишдан кўрққанлар, ўз оилаларини терговчиларнинг ўзбошимчилигидан, қийноғидан сақлаб қолишга интиланлар.

Биз ҳали жуда кўп иш қилишимиз зарур ва бу ишни нҳоясига етказишимиз шубҳасиз. Очигини айтай — мен уятдамэн. Назоратсизлик муҳитдан фойдаланб бемаънигарчиликларга йўл қўйган терговчилар, прокурорлар, судьялар қилмишидан уялман. Одамлар билан учраганимда, уларнинг дахшатга тўла ҳисояларини тинглаганимда кўларингни беҳосдан паства қаратасан, суҳбатдошинг бетига қарашдан қўчийсан...

**Струков:** Бугун мен қомил ишонч билан айтишим мумкинки, Гдлян гуруҳига кирган терговчилар содир этган жиндий қонунбузарликларнинг юздан бир қисмига ҳа бозқа жойларда, дейлик на Россияда, на Украинада, на Белоруссияда йўл қўйишмасди... бундақ ўзбошимчалик бирор ерда тўқинликча учрамай қолмасди.

— Бундай ғайриқонунийлик иелиб-келиб Ўзбекистонда унча қийналгини қандай баҳолайсиз! Уялайманки, бу ҳодиса республиканин жуғрофий жойлашини ва иқлим шароитига мулқо боғлиқ эмас.

**Струков:** Жуғрофиянинг ҳам, иқлимнинг ҳам бебошликка дахли йўқ. Халқнинг табиятини эса Гдлян ва Иванов ҳисбага олишган. Очик кўнгиллилик, меҳмоннавозлик, одамларга уларнинг тўғрйлиги ишонши, сабр-тоқат, катталарга ҳурмат, қонунни муқаддас деб билиш — ўзбек халқининг ана шу ва бошқа ақлий фазилатларидан терговчилар манфаватпарастлик мақсадларида фойдаланишган, шу тариқа, юкориде таъкидланганимдек, Ўзбекистонга ғайриқонуний тергов ўтқажис усулларини синаш майдонига айлантиришган.

Касофатнинг неғизи шундаки, Гдлян гуруҳи назоратсизлик вазиетинда иш олиб борган. Ўзбекистон ССР прокурори бор эди, лекин қонунчиликка риоз этилишини кўриқлашда унинг овози эшитилмасди. Халқ назорати, ишчи назорати, партиявий назорат... Бунақаларнинг сон-сеногии йўқ, лекин назорат қилувчи бирор азамат топилмади. Гдлян ва унинг гуруҳи маъжуд эди, унинг тепасида эса ҳеч ким йўқ. Партия, совет, ҳуқуқ-тартиботин муҳофаза этувчи органларнинг ўша пайтадги раҳбарлари кўларини ювб қўлтқиқе урганларича кузатувчилликдан нари ўтмадилар, мазкур гурусна олдда таълимчилик йўлини тутдилар. Бунақаси қандай рўй берганлигини ҳали аниқлашимиз керак. Хуллас, ўзаро деимизми, пастанд юкорига ёки юкоридан паства деймизми — назоратнинг

ҳамма тури барбод этилганлиги дахшатли ҳол бўлди.

— Биласизми, Николай Алексеевич, бебошлиқнинг қарор топиши ва ҳукм суришида ўша йилларда прокуратура Ички ишлар министрилиги тепасида турган раҳбарлар, масалан, Бутурлин унинг ўринбосари Гайданов, бошқа тоқфадаги шахсларнинг айби оз эмас. Айтинч-чи, комиссия ана шуларнинг фаолиятини ҳам текширадим! Ахир бу амалдорлар гўё ҳеч қандай ҳодиса рўй бермагандек, бирор қилғиликни қилмагандек бошқа республикаларда қонунчилик ҳимоясида турришибди!

**Струков:** Комиссия аъзолари ва экспертлар Ўзбекистондаги барча ҳуқуқ-тартибот органлари — прокуратура, Давлат ҳавфсизлик қомитети, Ички ишлар министрилиги, судлар, қамқонхоналар ва ҳоқсалар фаолиятини таътиш этмоқдалар. Чунки «пахта ишини» текшириш жараёнида уларнинг ҳаммаси Гдлян гуруҳи билан бир туғундагидек боғлиқ эдилар. Лекин тақдор айтмакки, бизнинг вазиетимизда Ўзбекистонда рўй берган ҳодисани сиёсий баҳолашдан иборат. Бутурлин, Гайданов, Дидоренко сингари кўпгина қонунбузарлик ижодкорларининг қилмишлари СССР Конституциясига бинносан тергов маҳкамалари томонидан текширилмоғи зарур. Айтиб қўяй: ишимиз жараёнида номлари юкориде келтирилган раҳбарлар фаолиятининг хирва жиҳатларига қўзимиз турган Борми, уларни синчиқлаб ўрганимоқдамиз, тегишли хулосалар чиқармоқдамиз. Якуновичи ҳужжатларнинг ҳаммаси қонунчиликнинг бузилиш холларини текшурувчи тергов бригадаси итиғриғе топширилади. Бу хусусда Олий Советга ҳам ахборот берамиз.

— Демак, комиссия анча-мунча далилларга эга эканда!

**Струков:** Бор, бўлганда ҳам оз эмас. Булар одамларни қўлга олиш ва қамашда, вақтинча сақлаш ҳисбоналарида, қамқонхоналарда қонуннинг қўпол равишда обқости қилинишидан иборат. Кишиларни уйларда «пийнчи» сақлаш, меҳмонхоналарда қамаб қўйиш сингари қонунбузарлик холлари ҳам бизга маълум. Тергов ўтқажининг ман этилган усуллари, ашадий қаллақесарларни «хизматга жалб этиш, дўқ-пўлпаса, қўрқитиш, куч ишлатиш, яъни холдан тоғунча дўппослаш, калтаклаш — буларнинг бар Гдлян гуруҳига хос зўравончиқдир.

Районларнинг, областларнинг прокурорларини, юкориде айтганимдек, ҳатто республика прокурори Гдлян олдида кўларинга итоткорлик қилдилар, ҳисба олиш ҳақидаги ҳужжатга кўларини юмганларича имзо чекдилар ва муҳр босдилар. Шубҳа остига олинганларини бирма-бир сўроқдан ўтқажис ҳеч кимини ҳавлига келмади. Буларни дахшатли ҳол дейиш мумкин. Республикада прокурор назорати Гдлян гуруҳининг обғи остида топмади. Ҳа, худди шундай бўлди. Одамлар, уларнинг тақдирин, беғуноҳлар фарзандларининг келажаги хусусида ўйнаш ҳеч кимни ташвишлантормади. Баъзан жиний ишларни виждонсизларча рўёбга чиқаршди.

— Сизлар, ҳурматли ўртоқлар, Тошкентга келганларингиздан сўнг У. Тожихонов, И. Позилонков, О. Мухаммадиев ва бошқалар билан юзма-юз учрашдингизлар. Улар Гдлян гуруҳига, Бутурлин ва Дидоренкога нисбатан озмуна норозилиқлар билдиришмади. Мана сиз, Валерий Григорьевич, судьясиз. Айтинч-чи, Позилонков иши билан танишувчи уни қоралаб ҳукм чиқарган бўларминдигиз!

**Александрин:** Позилоннова яқнаю ягона айб — хизмат мавқеини сунистемол қилиш айби қўйилганди. Менинг хулосам шуки, уни қора курсига ўтқажис нари турсин, ҳатто айблов эълон

(Давоми 4, 5-бетларда).

[Бош 1, 3-бетларда]

# ХАЛҚ ҲАҚИКАТИ

қилишга асос бўлмаган. Бинобарин Бутурлин, Гайдамов, Дюдоренко тоифасидаги юристлар, шунингдек Бухоров каби терговчилар ва судьялар айблов ҳужжатига имзо чекарканлар, бу ҳолатни мен тушуганимдан бошқача аниқлашмаган. Ана шу ишга нукта қўйилди — Позилхонов оқланди. Таассуфки, қонунга ҳилоф равишда судланганлар бир эмас, ўн эмас, юзлаб саналади.

— Ҳозиргина 2,5 миңдан зиёд киши оқланди. Ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза этувчи маҳкамаларнинг ходимларидан анчаси гайрқонуний равишда жабр кўрди. А. Фозилов, Ф. Эминов, М. Жумаев, Ш. Рўзमतов, М. Незматуллоев, А. Абдураҳмонов, М. Ҳайдаров, А. Қалиев, Зулфия ва Рустам Аҳмедовлар, Б. Мирҳамедов, М. Жалолов, Ф. Шохидоев, М. Мушрапов... Бешошлик қурбонларининг рўйхати узундан узун. Маҳаллий ҳуқуқ-тартибот маҳкамаларида ишловчи қадрлар, меннинг назаримда кура-била туриб қирғинга учрадилар...

Александрин: Афсус ва яна афсус — миллияни, прокуратура ва судловда ишловчи таърибалар, лекин айримларга ёқмайдиған ходимлардан кутулиш йўлини тугатиш оқиб-оқини кўришни тўрилади. Ишончмани қонунбузарликда айбонларнинг ҳаммаси қонун олдида жавоб бериши керак.

Эндиликда неча йиллаб қамоқ жабрини тортганлар оқланмоқдалар, улар қўрган моддий зарар ундириб берилмоқда. Лекин маънавий-руҳий изтироблар ўзининг ким тўлдирга олади? Бундай қудратга ким ҳам эга бўлиши мумкин? Шаксан мен маънавий эришга гафрқонуний ишбас оқиллар, судьялар, ҳис беришларга йўл қўйганлар ҳисобига тўлдирилиши керак деган фикрданам. СССР Олий Советининг айрим комиссиялари ва комитетларида бу маъна алақачон ўртага қўйилган, лекин у ҳозирча назарий асослаш босқичида турибди.

Ярни: Узбекистоннинг устига қонунбузарлик ёпирилиб келганлиги шубҳасиз, албатта. Барбери одамларнингга қойилман! Чеккан азоб-уқубатларини йангла-сиқтаб гапириб берадилару, аммо гафрқонуний равишда тортиб олинган пуллари қайтарышни эмас, КПСС сафларига тиклашни талаб этдилар. «Қанақа қилишларимиз учун бизни партиядан ҳайдаб чиқаришди!» деб сўрашдан жиноятга ўтирмаган дехқонлар. Биз ўз саволларимиз билан уларнинг ярасини тирнаганлигимиз, дахшати ҳодисаларини эслатишга мажбур қилганлигимиз учун уз сўрадик. Уйланимани, юқоридан мен беён этган муаммо ҳусусида чуккур ўйлаб қараш керак.

Гдлян ҳалққа ўз нуктани назарини, бор ҳақиқатни етказиш имкониятига эга эмаслиги ҳусусида тақор-тақор гапирди. Мен маъбуот чиқаришнинг махсус йанги бормоқданам. Булар — Гдлян тарафдорларининг ва муҳолифларининг мақолалари. Муҳолифларга тегишлилари анчайин қам...

— Гдлян ва Иванов «ҳақиқатни бақириб-чақириб баён қилган сон-сановсиз маъбуот конференцияларини, қўшимчи кишилик митингларини ҳисобга олганимизда...

Ярни: ...мамлакатнинг турли бурҷлариде яшовчи ўн миллионлаб кишилар онинга тасвир кўрсатганликлари айб бўлади. Ҳалқнинг паст даражадаги ҳуқуқий маданияти ҳар иккала терговчилик мамлакатда руҳий асоса ва азизиятини келтириб чиқармоқда, одамлар онинга маъзур гуруҳлашган жойларда фикат поракўрлар ва ўғриллар яшайдилар, давлатнинг бошида турган рақбарлар эса жиноятчиларни жавобгарликдан сақлаб қолдишга уринмоқдалар, деган уйдирмаларни бемалол сингдиришга олиб келмоқда.

Шу ўринда Гдлян ва унинг тарафдорларига қарата «Ҳўш, мамлакатни кийинтирайётганлар кимлар?» деган саволини берганимиз, булар миллионлаб тонна пахта еттиштирайётган эсмизми? Пахтазорларда муқимлаб ишлаётганлар ўзбек дехқонлари бўлмайдими, ахир! Уларнинг чинакам фидокорона меҳнати эвази-

га юқори мансабли маишатпарастлар томонидан талабган ва Гдлян гуруҳи исқонисинда жабру жафо чеккан халқ ўзбеклар эмасми!

Гдлян тарафдорлари тўплаган жойларда сўзлаш биз учун оғир эди. Бор ҳақиқатни чин қалбдан баён етдиған бўлсанг бунинг тексарисини тушунишди. Чунки Гдлян кишиларни заҳарли бўхтон тасвирда деярли сармаст этиб, ҳушсизлантириб қўйганди.

Одиллов: Узоқни кўзловчи, роҳат бахш этувчи мақсадга эришиш ниятида Гдлян олмавий ахборот воситаларининг ҳамма турларидан — газеталар, журналлар, телевидение ва радиодан эмин-эркин фойдаланди. Уз-ўзини мақташ, куз-куз қилиш унинг севган усуллари эди. «Ўзбеклар ишини ўйлаб топил билан у республиканинг бутун халқи юзига тарсаки тортиди.

Гдлян «адалот учун толмас қурашчи» қабилдаги шухратга ашаддий ёлғончилик ва алдамчилик йўли билан эришди. Меъбардан чиққан, маъсулятини унутган мерказий маъбуот эса дедилларнинг текширмасданок шовқин-сурон кўтарди: Гдлянинг ҳаётига сунқасди қилинбди! (Гдлян чиққан самолётни ҳалокатга учратиш ниятида учиб-қўйишга майдонига сим тортилганлигига доир латифанамо даъвоини эсланг-а); Гдлян ва унга бўйсинувчи терговчилар ўқ ўтмас либосларда ажал билан юзма-юз келганларича қимматбаҳо бойликларини қўлга олиш даҳшатини бошларидан кечирдилар; Гдлян гуруҳи миллион-миллион сўмларини давлат хазинасига топширадилар-у, ўзлари чо-наҳор юрадилар — охириги бир сўм қолгач нима ҳам қилишини бечоралар...

Буларнинг ҳаммаси — афсона! Гирт ёлғон! Унинг ҳаётига сунқасди қилиш билан боғлиқ жинорий иш қўзғатилган эмас. Бинобарин, бундай ҳолатнинг эси рўй бергани йўқ. Ўқ ўтмас либос ҳақидаги афсона ҳам қулғили. Ҳа, Гдлян гуруҳи Давлат ҳафсизлиги комитетидан айтиб бир марта ана шундай либослардан кўн нафарини олганлиги аниқ; аммо уларни «ажал билан юзма-юз келинган операцияда» эмас, кинокамаларга рубару бўлганда иштилоқилган. Қаранг-а, одамлар шу тариха махлиб этилганлар, шундай йўллар билан сайловчиларнинг ишончу олдиқларни қозонилган!

Ярни: Такнидлаш керакки, кимму ким — айнан жамоатчиликнинг ўзи маъзур тергов гуруҳининг тақдидан муҳофаза этишга уринмоқда, унинг рақбарлари оғиздан чиқадиған сафсатага ишонмоқда. Бундай ҳол хавфли, ниҳоятда хатарли! Ана шу жамоатчилик Гдлян ва Ивановга, уларнинг теварағидеги бошиқа белз теваровчиларга ҳаллларга келган ёлғон-яшиқни гапиревариш, далилларини ўз фойдаларини кўзлаб бўяб-безаганча талқин этиш, баён қилиш ҳуқуқини берди. Жамоатчилик деганда мен аввало Гдлян ва Ивановнинг сайловчиларнинг назарда тутаман.

Бизнинг вазифамиз мураккаб, оғир, лекин шундай қилишимиз керакки, халқ бу масалага эҳтиросларни йиғиштириб қўйганича одилона ёндашсан. Гдлян ва Иванов сайловчиларини ишмоқли, ҳатто ивгогарона саволларига дуч келишимизни биламиз, шундай бўлса-да улар билан сўхбатлашшидан ҳайқимаймиз, негани айтидиган ҳаққоний гапларимиз бор. Ҳа, уларнинг ва бошқа кўпгина терговчиларнинг айбонларини оқиб берувчи исботларга эгмиз.

— Яхши биласиз, Вениамин Александрович, Гдлян гуруҳида Кунец, Шиселов, Абдиев, Карташян, Литвак, Кимсанов каби терговчилар ишлагандилар. Жабрланганлар уларнинг шаънига норозлиқ изҳор қилиш билан

чекланибгина қолмай, тергов олиб боришда ман этилган усулларни қўллаганлари учун тўғридан тўғри айблаган. Масалан, республика ички ишлар министрининг собиқ ўринбосари миллияни генерал-майори Отамурод Мухаммадиев икки йилдан зиёдроқ вақт давомиде қамоқда сақланган, куз қўрмаган, қулқ эшитмаган қийноқларга дучор этилган. Ҳозир у оқланди чикди. Қарангки, унинг қинчқларидан айримлари Гдлянга қарши томонга ўтиб олишди. Жавобгарликдан шу тариха кутулиб қолш нисофданми! Ана шулар билан учрашишга, тушунтириш хатларини олишга тўғри келдим!

Ярни: Бугун мен ҳисба олинганларни, шубҳали ва шубҳасизлик ниқоби остида қамалганларни дўлпосаган, қинаган, ҳисбага тушганларнинг хотинлари, бола-чақалари, қариндошлари, дўстлари, қўни-қўшинларини ноҳақ азоблаган терговчиларнинг номларини бирма-бир санамоқчи эмасман. Биз уларнинг сўзларини комиссия мажлисларида эшитганимиз, йўл қўйган расвогарчиликларини одамларнинг шикоятларини, бетараф прокурор Мартинсон гуруҳи тағйрлаган ҳужжатлар асосида яхши биламиз. Ушбу ахборотининг кичиккина бир қисми СССР халқ депутатлари иккинчи съездида баён этилди. Ҳозир бундай дейишми мумкин: қўпгина терговчилар совет тергов услубига, совет ҳуқуқий терговига мутлақо номуносиб йўл тутишган.

Эксперт А. Раҳмоновнинг ахбороти: Қорақалпоғистон АССРининг собиқ солиқчи сақлаш министри Худойбергановга хизмат қилган автомашина ҳайдовчисини 56 яшар Аралбай Дошекеев мутлақо асоссиз равишда ҳисба олинган ва маҳкусларни вақтинча сақлаш қамоқхонасига жойлаштирилган. Ундан Худойберганов тўплаган миллионларни топилб беришни талаб этишган. Бундай пул автомашина ҳайдовчисини да бўлмаган. Шундан сўн Дошекеевини ашаддий қалпақсарлар қўлга топшириб, «ақлим жойига келтириб қўйишнинг таянлашган.

Жиноятчилар бечора тутқунини куи сайини дўлпослаган, терговчиларга бўйсунушга ва министрнинг миллионларини чиқариб беришга «чорлаган». Бир гал «ўзарининг қўлларини кўтартириб, деворга қаратиб, бир оёгини ердан узиб туришга мажбур қилинган. Шу аллозда уни бир неча соат ваҳшиларча қинашган, оёгини тушириб ерга босса борми, шу заҳотлик муштлар зарби остида қолган.

Шундан сўн Дошекеевини камерадан чиқаришди-да, водопровод ёнига келтириб флюс беридишдан «бас» дегунча сўв ичишга мажбур қилинган. Азобланиб ҳолдан тойган маҳбус ортиқ ичолмаслигини сўрга айтганида унинг оёзига мажбурлаб сув қўйишди. Бундай «ишловлардан кейин жабрданга нимча ва теллақ кийгизишб, қўлларини кўтарганича 250 мартага тинимсиз ўтириб-туришми буюришди. Ҳолдан тойган Дошекеев қалчанча йиқилди, шунга қарамая «маъшини давом эттириш ниятида уни роса тепкилайдилар...

Мутлақо беғуноқ оддий бир киши Гдлян гуруҳи терговчиларини хоҳиш-истаклари тўғрйли тортган азоблардан, ҳақоратлаш, тахдирлашлардан бир шингилини мисол қилиб кўрсатдим. Дошекеевнинг хотини ҳам ҳисба олинган, раҳмсизлашга қийноқда солинб сўроққа туттилган.

Қаҳрамон она Бибизода Дошекеевнинг 11 фарзанди, 21 невараси бор. Удан Қорақалпоғистон области партия комитетининг собиқ биринчи секретари Камоловга тегишли миллионларни топилб беришни талаб этишган. Бундай пул,

табыйки, Бибизоданинг етти ўғил-бурча тушига ҳам кирмаган. Шунда уни хавфли жиноятлари учун қамалган маҳбус аёллар қонисига жойлаштиришган. Тўтқун зарфани роса қалпақлаган, очликка дучор қилишган, феқат нам ерда ётишга ижозат беришган, тила тишларини шарикли ручка билан қўпориб олишга уринишган. У ҳам етмагандек болалари ва набираларининг ҳам қамалишларини айтиб кўрйтишган. Қуллардан бирини қўшин хонада турган қиз Зиедани унга кўрсатиб бундай дейишган: «Мана, у ҳам ҳисба олинди...» Дошекеевнинг қариндошлари бир боло қилиб қирқ минг сўм тўплаб терговчиларга беришган. Шундан кейингича бечорани қўйиб юборишган.

Ярни: Бундай ҳолатнинг ҳар бири (бунақаси юзлаб) ишонини тахдирлаш қўриғисини комиссия аъзолари ва экспертлар гувоҳларни аниқлаш йўли билан синчиқлаб текширадилар. Мураккаб жойи шундаки, бунақа бемаънигарчиликнинг ҳаммасини ҳам ҳеч сўзсиз исботлаш қийин. Ахир бу тахдирлашлар 1983 йилда бошланганди. Вақт кетди! Шунинг учун ҳам фуқаролар ва кичиклар бетларига ниқоб тортолмоқдалар.

— Гдлян билан Иванов комиссия ишига ҳалақат беришмаюптими! Бошиқа терговчилар ва уларнинг тарафдорларини-чи!

Струков: Ҳалақат беришмапти. Ҳақиқат тўсиқ қўйишмапти. Съездга тақдим этилган ахборотга эътибор қилган бўлсангиз: унда манфаатдор ва номанфаатдор томонларини нуқтани назарларини, қарашларини буртиртиб кўрсатганлигини сезгандирсиз.

— Ҳа, нафақат «мен, бошқалар ҳам сезишимиз. Сизлар тутган йўлни аллақандай мулозиматли деб баҳоладик.

Струков: Кўпчилик шундай деб ҳисоблайди. Бу эса нотўғри. Биз Мартинсон гуруҳининг далилларига тўлиб-тошган ҳужжатларини барча депутатларга тарқатиб беришимиз мумкин эди, албатта. Еки Лигачев ҳақидаги сўрақани, Гдлян гуруҳи фаолияти устидан прокурор назорати ўрнатилмагани тўғрисидаги қозғоларини... Уларнинг ҳаммаси тўпласа юз ваерлик китобдан ошиб тушарди. Биз бундай қилмадик. Чунки комиссия масаланинг тахмин-таваққал муҳокама этилишига қарши эди. Муҳокама бўлдимки, депутатларнинг «қонини қайнатишнинг, уларни далиллар билан аъдиришишни истамедик, негани ҳали ишлашимиз, роса тер тўкиб ишлашимиз керак эди. Биз депутатларга, сайловчиларга тасвир ўтказишдан ўзимизни тийдик. Ақлларга лол қолдирувчи шов-шувларга ҳам эрк бермадик. Аслида шундай қилишимиз мумкин эди.

Гдлян эса, аксинча, ҳимоя ва ҳужумнинг ана шундай усулини танлади. Съезд зали «Гдлян ва Ивановдан қўлингини торти!» сарлаҳали мақола босилган «Голос избрателя» («Сайловчи овози») газетаси билан тўлдирилганди. Уни ким чиқарган дейсизми? Тельман Хоренович ва унинг тарафдорлари чиқаришгани шубҳасиз. У эса комиссиянинг залини «портлатмаслик» қарорига келгани ҳақида оғоҳланганлиги.

Ярни: Ана шунда мен минбарга чиқдим-да, бу масалани муҳокама этимаслигини депутатлардан ўтиниб сўрадим. Чунки Узбекистонга келишимиз, Москвада жуда катта ҳаждадаги ишларни бажаришимиз зарур эди.

Шу пайт зеленоградлик сайловчилардан ўзбекистонлик депутатларини минбарга қинлаштирмаслик, комиссия томонидан текширилмаган далилларни ошқор қилимаслик сўралган хат тушди. Гдлян бундан баҳабар бўлиши мумкин эмасди. 70 минг киши имзо чеккан бу макубу уни ҳимоя этувчи комитет жойлашган

Зеленограддан келганди. Хуллас, бутун залини у масала муҳокамасига шайлаган, бунинг устига номма-ном овоз бериш таклифини киритганди.

Гдлян ва Ивановнинг мақсали нима эди? Барча депутатларнинг иштирокида ўзига хос митинг ўтказиш, бутун мамлакатга (мажлис телевидение орқали олиб кўрсатилаётганидан фойдаланиб) комиссия портфели бўшлигини «исботлаш» кўзда тутилганди. Аввалига маълум даражада бундай қадам ташлаш насиб этгандек туюлди. Аммо кўп ўтай оқилона фикр янгради: митинг-боллик тўхтатилсин! Гдлянинг қўлида у билан Иванов айбломочи бўлган кишиларнинг фош этувчи бирор бир ҳужжат йўқлигини депутатлар аниқладилар. Шундан сўн дағдага бошланди. Мен Иванов нуқтининг яқунловчи қисмини назарда тутмоқданам. Жақондаги бирорта ҳам парламента бунга тоқат қилолмас, Иванов депутатлигини қололмас, унинг сиёсий юлдузи аллақачон ботиб кетган бўларди. Бизнинг парламентамиз эса сажий эмасми, бу заққумни ҳам ютиб юборди.

— Бундай саҳоват қалтир ҳақилдан бошқа нарсга эмас. Унинг экибин беҳад қатта. Аммо бу энда бошиқа маззу. Айтинг-чи, Вениамин Александрович, Иттифоқ прокуратураси ва Узбекистон ССР прокуратуралари комиссия ишига ҳалақат беришга, қонунбузарлик ҳолларини яширишга уриндиларми, йўқми!

Ярни: Ишмининг дастлабки босқичида тўсиқлар қўйишга интилишлар бўлди. Мамлакат бош прокурорининг ўринбосари Катушев, Попежимов ва бошқалардан «қўрсатилмасини», «чиқрилмасини» каби фармойишлар чекгани рости. Лекин тасвир ўтказиш мутлақо сезилмади. Шунга қарамая жиддий ҳужжатларни, жулмадан Гдлян гуруҳи фаолияти устидан прокурор назорати ўрнатилмагани исботловчи қозғоларни биздан яширишга уринишди. Ҳозир ҳеч ким бизнинг йўлигимизни мутлақо тўсаётгани йўқ.

Узбекистонда бизнинг ишларимизга ҳалақат беришмади. Барча тоифадаги рақбарлар — республика, область партия комитетлари, ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза этувчи маҳкамаларининг рақбарлари билан учрашувлар, сўхбатлар бўлди. Тергов ўтказиладиған махсус жойлар, қамоқхоналар қўздан кечирилди.

— Меҳнат-тузатиш колониялари, қамоқхоналар, тергов олиб бориладиган хоналар, ҳисба олинганлар вақтинча сақланадиган жойлар Ички ишлар министрлиги ва прокуратура тасарруфидан олиниши билан боғлиқ гоёга қандай қарайсиз? Маъзур маҳкамаларнинг ходимлари қамоқда сақланаётганлар ҳузурига бемалол кириб-чиқиб имкониятини сунъиймоқ қилаётганликларини, гафрқонуний қондаларни маъмуриятга мажбурлан суқштирайётганликларини маълум-ку.

Ярни: Сизнинг фикрингиз ва унга берилган изоҳларга розиман. Терговнинг ўзи бир олам, авахтаҳона эса мутлақо бошқа. Бунинг устига назорат деганимиз бор. Билишимча, барча муаммоларни бундай ислохот билан ҳал этиб бўлмайди. Бироқ бир қозон ичида ҳукм юритиш шароитида ураётган номақбул қолларнинг асосийларидан кутулмиш мумкин.

Қамоқхоналарга «таш-сўраш» бу гоивнинг тўригилиги нисбатан ишончмини оширди. Шундай кимраларни қўриққи, уларда жиноятчилар ҳам, Гдлян гуруҳи томонидан қўзғатилган ш бўйича ҳисба олинган гуноҳчилар ҳам сақланмишган экан. Шубҳа эстига

тушганлар, айбонлар, болаларини ҳам кўздан кечирилди. Бундай гафрқонуний қўйишга ким журт Бу саволини мен Гдлян прокуратураси бермоқчиман. Гдляр куларнинг бириди рашиди: «Биласизми неча ёшда эканлики ранг-а, ўн яшарми яшарини нима фарқи Фараздлар ўз ота қилмишларни учун жадилар-ку! Жавоб бў бур ҳам эмас улар!

Эксперт А. Раҳмоновнинг ахбороти: Гдлян бош тергов гуруҳи дағдага мақсатига видеога усулдан ҳам фойдаланишга айтиш айбон қилинган. Мана баъзи Айбонларнинг қиздан терговчиларини — мол-мулкни, қимматбаҳо буюмларни топширишни рақди, жисмоний ва лардан қандай бўлгани йўлайди. Еки бошқоқ бузгани онлайнда да йнглай-йнглай қозган, азоб-уқубатдан дахшатлардан қўриққиларди ва унинг ялиб айтиган сўзларини эшқибизни қўтариқин! Ҳа, воз кечинг, бизни Нега биз азоб кечирганми... Раҳмингизни Бунча манзарага кибера олади! Ансарий гуноҳсиз гуноҳкорларига, дўст — ўртракли микдордаги беришини ўқитириб сў...

Ярни: Бундай дала ва унинг гуруҳидаги маънавий дунёсини гафрқонунийлигини давлат қонун билан қамраб олишга мумкинми? Биз бўлмайдиган қўлданларнинг айримлари сўз юритдики. Бошқоқ ҳозирча суктур сақланган уни мамлакат қиламиш. Халқ ана кутмоқда. Аввало Уландан, ҳақоратла эса мутлақо беғуноқмоқда бўни.

— Гдлян гуруҳини мажбуриятга буюмлик ҳилоф тарзда қаша олганлиги тўғрисида эътибор. Бунинг исбот қоллар ҳусусида юза юритилди. Бунинг шарҳлаш мумкинми!

Одиллов: Қимматбаҳо зебу-зийнатлар ҳусуротни экспертлардан миз маълум. Уларга лум.

Эксперт М. Авруковнинг ахбороти: Қонунга жиноятчилик ҳамма нарсаларни таъвоҳлиқда бирма-бир ўтказишни, уларнинг албатта қўрсатишчи сўнғи ана шу буюмлик қинчоқлар керакликини, мизолар биллиниб муҳрланганини — Кечирасиз, Миявч, бундай пайтда дабуа буюмларнинг ҳаққини аниқ белгила этиш мақсатига экинслар иштирокини эътибор эмасиларми!

— Бунинг ҳолати сўзини давом эттирмак. — Шундай қили бўлса, мутаваккиллаб этилдилар. Иммас, қимматбаҳо ҳаммаси экспертларга

# БИЛМОҒИ ЗАРҲУР

шанлар, айланганларнинг хо-  
нлари, болалари қамалган хо-  
ларни ҳам кўздан кечирдик.  
ндай ғайринисониликка йўл  
йишга ким журъат этдикин?  
саволни мен Гдлянга ва Итти-  
прокуратураси раҳбариятга  
армоқчиман. Гдлян тарафдорла-  
рунларнинг бирде мендан сў-  
ишди: «Биласми бу болалар  
да шуда эканликларини?» Ка-  
инг-а, ўн яшарми, ўн етти  
арми нима фарқи бор бунинг!  
арзандлар ўз ота-оналарнинг  
лишлари учун жавоб бермай-  
лар-ку! Жавоб беришга маж-  
рр ҳам эмас улар!

Эксперт А. Раҳмоқуловнинг ах-  
ротини: Гдлян бошчилигидаги  
роғов гуруҳи дағдага, кўришти-  
қақсада видеога ёзиб олиш  
улидан ҳам фойдаланишган.  
